

2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарканд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарк алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва ахамияти” мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтади.

ЎзАнинг хабар беришича, Президент Ислам Каримовнинг 2014 йил 1 апрелдаги фармойишига мувофиқ ташкил этилаётган ушбу анжуманда АКШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия ва Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

“Самарканд шаҳрида ўтказиладиган халқаро илмий конференция буюк аждодларимиз илмий меросига хурмат ва кизикиш тобора ошиб бораётганига ёрқин далилдир”, — дейилади ЎзА хабарида.

Хабарда айтилишича, анжуман иштирокчилари аниқ ва табиий фанлар соҳасида фаолият юритган Ўрта асрлар Шарк алломалари ва мутафаккирларининг илмий, тарихий ва фалсафий мероси, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига кўшган улкан хиссасига оид масалаларни муҳокама қилади, фикр ва тажриба алмашади.

Конференцияда Ўрта асрлар Шарк алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди, тарихий мероси ва илмий мактабларнинг фаолиятига бағишланган фильмлар намойиш этилади. Анжуман катнашчилари Самарканддаги тарихий, илмий ва маданий обидалар, истиклол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ўқув муассасалари фаолияти билан танишади.

Хабарда Интернет тармоғида мазкур халқаро конференциянинг сайти (www.msth.uz) ташкил этилгани айтиб ўтилган. Сайтда ҳозирча халқаро конференция дастури, Самарканд, Шарк алломалари ва мутафаккирлари ҳақида маълумотлар рус тилида берилган.

Манба: kun.uz